

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ФАРМОНИ**



**УКАЗ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 24 ” июль №ПФ–5771 “ ” 20 г.

**Акциз солиғига тортиладиган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш  
ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ–4086-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг:

2019 йил 15 августдан сиқилган газни якуний истеъмолчига реализация қилишда акциз солиғи ставкасини 20 фоизга;

2019 йил 1 октябрдан алкоғолли маҳсулотнинг акциз солиғи ставкасини ўрта ҳисобда 10 фоизга, тамаки маҳсулотининг акциз солиғи ставкасини 20 фоизга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш комиссияси томонидан илгари берилган, спирт ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга оид лицензияларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга нисбатан янги лицензия талабларини, жумладан ишлаб чиқариш ускуналарини мажбурий рўйхатдан ўтказиш, унинг мулкдорларини рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқлаш;

техник спирт ишлаб чиқарувчилар фаолиятини лицензиялаш тартибини жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2021 йил 1 январдан бошлаб шундай тартибни жорий қилиш;

лицензия олувчилар томонидан ҳар йили лицензия тўловларини тўлаш бўйича талабларни жорий этиш, пиво ишлаб чиқарувчилар учун эса 2022 йил 1 январдан бошлаб шундай талабни жорий қилиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2019 йил 15 августдан бошлаб иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2019 йил 24 июлдаги ПФ–5771-сон Фармониغا  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига  
2019 йил 15 августдан бошлаб киритиладиган  
ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5656-сон Фармонининг 5-бандидаги “2019 йил 1 июлгача” сўзлари “2020 йил 1 январгача” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ–4086-сон қарорининг 19-иловасида:

а) 1–6 позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

1. Озиқ-овқат хомашёсидан ректификацияланган этил спирти, эфиральдегидли фракциядан ректификацияланган техник этил спирти ва этил спирти бош фракцияси (1 дал учун)		10 800
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун):		
табiiй равишда ачитилган (этил спирти қўшилмаган) табiiй		7 700
бошқа винолар		14 500
3. Коньяк (1 дал тайёр маҳсулот учун)		102 000*
4. Ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун)		92 950**
5. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)		10 100
6. Фильтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар		141 500 сўм/1 000 дона + 4 фоиз***

б) 15-позициянинг “сиқилган газ” қатори “бир ўлчов бирлигига сўмда” устунидаги “360” рақами “435” рақами билан алмаштирилсин.

**Изоҳ:** ушбу илованинг 2-банди “а” кичик банди 2019 йил 1 октябрдан амалда киритилади.

